HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

TOSHKENT HAQIQATI

VILOYAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

2023-yil
21-oktyabr
SHANBA
№ 78 (13637)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_ QR-kod

Муштарак мақсадли маҳалладошлар

Ислоҳот











Қибрай туманидаги Беруний номли маҳалла нафақат туманда, балки вилоятда ҳам энг намунали маҳаллалардан. Бугунги кунда 3 минг 120 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда ишсизлик даражаси деярли нолга тенг.



– Аҳолининг 1,7 минг нафардан ортиғи корхона ва ташкилотларда ишлашади, – дейди маҳалла раиси Феруза Тошматова. – 50 нафарга яқин фуқаро тадбиркорлик билан шуғулланади. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида доим алоқада бўлиб турамиз. Ҳозирда маҳалламизда 5 нафар фуқаро ишсиз. Тез кунда уларни ҳам ишга жойлаштирамиз.

Аҳолининг бандлигини таъминлашда бундай натижага эришишда ҳудудда фаолият юритаётган йирик тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси бор. Шундай ташкилотлардан бири – "T-REX" тикув цехи. Кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхонада бугунги кунда 80 дан ортиқ фуқаро меҳнат қилмоқда.

– Цехда кунига 200 тагача маҳсулот тайёрланади, – дейди корхона иш бошқарувчиси Раҳимжон Норқулов. – Асосан эркаклар либослари тикилади. Тайёр маҳсулот ички бозорларга чиқарилади.

Фаолиятини бошлаганига 10 йилдан ошган корхонада дастлаб фақат тўқилган матодан кийим тайёрланар, бу эса ортиқча сарф-харажатга сабаб бўлаётган эди. Жорий йил бошидан бу муаммо ҳал этилиб, қўшимча тўқиш цехи очилган. Натижада яна янги иш ўринлари яратилди.

– 2 йилдан бери шу ерда ишлайман, – дейди Сурайё Мирҳайдарова. – Ишга келиб-кетиш учун транспорт йўлга қўйилган. Маошимизни вақтида оламиз. Шу корхонада ишлаб, оиламга ёрдам қилаётганимдан хурсандман.

Суҳробжон САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

БУГУН – Ўзбек тили байрами куни

НАВОИЙ ТИЛИДА

Туркий сўзлар жилоси

Ҳазрат Алишер Навоий беш достондан иборат буюк "Хамса"сини тугаллаб, устози ва пири Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳузурига олиб боради. Ул улуғ зот шогирдини бундай буюкдан-буюк хазинани қўлга киритгани билан қутлаб, жумладан, уни шундай муборак сўзлар билан олқишлайди:

Тузалди бу назминг басе сарсари,
Яна туркий алфоз анга бир сари, –
Ки ҳар нечаким диққати бордур,
Талаффуз аро лакнати бордур.
Сўзунгники, яхши кўрарсен ўзунг,
Кўрунмас ямон, чун эрур ўз сўзунг.

"Садди Искандарий", демакки, "Хамса"нинг охирги бобидан олинган бу парчада Навоий яратган буюк ёдгорликнинг айнан туркий тилда экани Жомий тарафидан улкан ютуқ сифатида баҳоланяпти.

Шоирнинг биринчи ютуғи – форсий адабиётда донг таратган Абулқосим Фирдавсий, Абу Абдулло Рудакий, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Абдураҳмон Жомийдан кейин шеър байроғини янада юксак бир чўққига олиб чиқди.

Шоирнинг иккинчи ютуғи – шу юксак даражага у ўша замонгача шеърият бу қадар улуғ поғоналарга етмаган туркий тилда ижод қилиш орқали эришди. Ҳатто, Хусрав Деҳлавийдек асли туркий қавм вакили, яъни ўзбек бўлган шоир ҳам, ўша давр анъанасига кўра, ўз тили қолиб, форсийда қалам тебратган эди.

Туркийда шеър даражасини бу қадар юксак поғоналарга олиб чиқиш Навоий учун асло ҳам осон кечган эмас. У туркийнинг форсийдан кам эмаслигини аввал юз минг мисрадан ортиқ ҳажмдаги шеърияти билан амалан исботлаб, кейин – умрининг охирларида "Муҳокамат ул-луғатайн" деган рисола ёзиш орқали буни илмий-назарий жиҳатдан тўла асослади.

(Давоми 3-саҳифада)

Яхши хабарлар

Сайёҳликнинг янги истиқболлари

Хабарингиз бор, Самарқанд шаҳридаги Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг 25-сессияси доирасида Инвестиция форуми ўтказилди. Унда Ангрен шаҳар, Бўстонлиқ, Оҳангарон ва Паркент туманларининг ҳоким ва ўринбосарлари ҳамда меҳмонхона, санаторий, дам олиш масканлари, туроператор ва турагентликларидан 60 нафар тадбиркорлар иштирок этишди.

Форум доирасида вилоят ҳокими Зойир Мирзаев томонидан хорижий давлатлар туризм вазирлари, нуфузли ташкилот раҳбарлари ва тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ўтказилиб, вилоятга инвестицияларни жалб қилиш, хорижий туристлар оқимини кўпайтириш, вилоят туризм салоҳиятини хорижда кенг тарғиб қилиш каби масалалар юзасидан 40 дан ортиқ давлатлар билан музокаралар олиб борилди.

Форумда Тошкент вилояти туризм соҳасига хорижий инвестициялар жалб қилиш юзасидан кўплаб келишувларга эришилди.

"Қўштепа"да қўш лойиҳалар

Янгийўл тумани "Қўштепа" маҳалласи ҳудудидаги "FELDA-VV GLOBAL" масъулияти чекланган жамияти томонидан сифатли қандолат ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда экспортни ривожлантириш режалаштирилган бўлиб, бунинг натижасида 40 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.



Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 1,5 гектар ер майдони ажратилган. Ҳозирда корхонага Малайзия давлати компанияси томонидан 600 минг АҚШ доллари ҳажмида инвестиция киритилди.

Лойиҳа тўлиқ ишга туширилгач, қиймати 50 млрд. сўм бўлган 5 минг тонна қандолат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинади.

ЯШИЛ МАКОНДА БИРГА ЯШАЙЛИК!



2

Аччиқ, аммо очиқ гап

САВОДИНГИЗ "ХИЗМАТ ДОИРАСИ"ДАН ТАШҚАРИДАМИ?

Президентимиз: "Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим", деб бежиз таъкидламаганлар. Чунки элни эл қиладиган, уни дунёга танитадиган тилидир.


Демак, тилимизнинг софлиги учун курашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Маълумки, она тилимизда шевалар турлича, лекин адабий тил битта. Шу тилда ёзамиз, ўқиймиз. Лекин, афсуски, сўнгги йилларда тилимизга беписандлик билан қарайдиганлар кўпаймоқда. Биргина ижтимоий тармоқлардаги саводсизлик, ғиж-ғиж хатога тўла сўзларни ўқиб, "Биз қаёққа қараб кетяпмиз?" дея ўйга толамиз.

3

Вилоят бўйлаб



БЎСТОНЛИҚ тумани ҳокими Бирлашган Араб Амирлиги инвестори билан учрашиб, тайёр дори воситаларини ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ва қисқа муддат ичида ишга тушириш юзасидан музокаралар олиб борди.




ОҚҚЎРҒОН туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабида "Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла" мезонлари остида бўлаётган тадбирлар доирасида туман ҳокимлиги, туман спорт мактаби ҳамда мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамкорлигида футбол бўйича Оққўрғон тумани биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақада 4 та сектордан 6 та жамоа, жами 100 нафарга яқин спортчилар иштирок этишди.



ЧИРЧИҚ кимё-индустриал технопаркида Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари учун бизнес-форум бўлиб ўтди. Дастур доирасида Чирчиқ кимё-индустриал технопарки фаолияти, хорижий инвесторлар учун тақдимотлар, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича музокаралар олиб борилди.



Жиноят ишлари бўйича Бўка тумани суди раиси Шерзод Абдуқодиров Адлия ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда **БЎКА туманидаги** қизил ҳудуд тоифасига киритилган "Дўстлик", "Ўзбек", "Олтиш" ва бошқа маҳалла фуқаролари иштирокида туманда содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича суҳбат ва сайёр қабул ўтказди. Суҳбат давомида коррупция ва одам савдосига қарши кураш мавзусида савол-жавоблар ўтказилди.



ЯШИЛ МАКОНДА БИРГА ЯШАЙЛИК!

Аввал хабар берганимиздек, Тошкент вилоятида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 2023 йил кузги дарахт экиш мавсумига старт берилди.

Бу борадаги дастлабки ишлар Ангрен шаҳридан бошланди. Шу муносабат билан ташкил этилган кўчат экиш акциясида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида ҳокимлик масъуллари, вилоят нуронийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳудуд фаоллари ва ёшлар қатнашди.

Бундай хайрли ишлар олдидан нуронийлар бошчилигида қўллар дуога очилиб, Қуръон тиловат қилинди. Шундан сўнг, Ангрен шаҳридаги 12,5 гектар ер майдони обод қилиниб, 5 мингга яқин манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Маълумки, яқинда Президентимиз раислигида туризм ва маданият масканлари имкониятларини тўлиқ ишга солиш ҳамда "Яшил макон" кузги мавсумини самарали ташкил этиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида 25 октябрдан 1 декабргача "кузги дарахт экиш мавсуми" деб эълон қилинган эди.

Тошкент вилояти бўйича жорий йилнинг кузги мавсумида 20 турдан иборат 6 миллион 893 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш белгиланган. Бунда маҳаллалар, кўп қаватли уйлар атрофига, таълим муассасалари, оилавий поликлиника ва шифохоналарда, катта йўл бўйларида чинор, эман, тут, шумтол, терак, жийда, қайрағоч, япон сафораси каби дарахтлар экиш учун танлаб олинган.



Тадбирда барпо этилаётган боғларни аҳолига шартнома асосида бўлиб бериш, мазкур ишларга жалб этилган фуқароларнинг манфаатдорлигини ошириш кераклиги таъкидланди.



Нозим АБДУЛЛА олган суратлар

Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида Олмалиқ шаҳрида ҳам "Яшил макон" тадбирлари уюшқоқлик билан бошланди.

Кўчат экиш акцияси олдидан юртимиз тинчлиги, вилоят равнақи ҳамда бошланаётган эзгу ишлар йўлида қурбонлик қилиниб, Қуръон тиловат қилинди.

Сўнг вилоят ва шаҳар мутасаддилари, нуронийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар иштирокида 400 га яқин павлония ва каталпа дарахт кўчатлари экилди.

Мазкур хайрли тадбирда вилоят ҳокими барпо этилаётган боғларни аҳолига шартнома асосида бўлиб бериш, бу орқали фуқаролар бандлигини таъминлаш, тўғрисидаги ўз фикрларни билдирди.

Ўз мухбиримиз

Оҳангарон шаҳридаги "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "Яшил макон" лойиҳаси доирасида кўчат экиш жараёнларида ҳам Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бош-қош бўлди.

"Ёшлик" маҳалласидаги боғни барпо этиш учун тайёрланган ер майдонига вилоят ҳокими илк кўчатни эзгу ниятлар билан ўтқазди. Мазкур маҳаллага 2500 туп кўчат экиш учун 4 гектар ер майдони тайёрланган бўлиб, ҳашар давомида 350 туп бодом ва шафтоли кўчатлари экилди.

Муносабат

ИШОНЧ РУҲИДАГИ МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасида муштарак тарих, маданий ва маънавий қадриятлар, ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат, қуда-андалик ва яхши қўшничиликнинг кўп асрлик анъаналаридан иборат мустаҳкам пойдевор бор.



Ўзбекистон билан Қирғизистон муносабатларида турли даврлар ва мураккаб саҳифалар бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Бугун ўзбек-қирғиз муносабатлари мамлакатларимиз раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли мутлақо янги босқичга кўтарилди.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида қирғиз миллатига мансуб 20 мингдан зиёд юртдошимиз истиқомат қилмоқда. Ўзаро яхши қўшничилик сиёсатининг амалий самараси ўлароқ, ўтган йили вилоятимизда қирғиз миллий маданий маркази ташкил этилди. Марказ кўп миллатли халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, шу жумладан, қирғиз миллатига мансуб қардошларимиз аҳиллиги, урф-одатлари боқийлиги, анъаналари бардавомлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 2 апрелдаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори доирасида Паркент туманидаги 33-мактабда адибнинг бюсти ўрнатилди.

Икки давлат раҳбарлари яхши қўшничилик, дўстона муносабатларни инобатга олган ҳолда, муаммоли ва қийин масалаларни очиқ ва конструктив руҳда муҳокама қилиб, аниқ ечимларга келмоқда.

Ўтган ҳафта Бишкекда МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси доирасида Президентимизга дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ташкилотнинг олий мукофоти — МДҲ Фахрий нишони топширилгани амалга оширилган хайрли ишларга берилган юксак баҳо бўлди.

Қирғизистон раҳбари ўз нутқида Шавкат Мирзиёевнинг дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, Марказий Осиё ва бутун МДҲ мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўшган ҳиссасини алоҳида эътироф этди.

Айнан Президентимиз саъй-ҳаракатлари туфайли МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда мутлақо янгича ишонч муҳити яратилиб, ўзаро савдо ва сармоя ҳажмини ошириш, саноат кооперацияси, транспорт ва сув-энергетика инфратузилмаси бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилувчи қулай муҳит шаклланаётгани таъкидланди. Айниқса, давлатимиз раҳбари сиёсий иродаси туфайли ўзбек-қирғиз давлат чегарасини демилитация қилиш жараёнини якунлаш имкони бўлганига алоҳида урғу қаратгани ҳам эътиборга молик.

Бугун Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида ечими йўқ масаланинг ўзи қолмади. Қатъий сиёсий ирода ва саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, бугун қардош мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни янада яхшилашда гап-сўзлардан аниқ амалий ишларга ўтилганини халқларимиз ўз ҳаёти мисолида сезяпти, кўряпти.

Садир Жапаров ғоят ўринли таъкидлаганидек, бу масаланинг ҳал этилиши барча соҳалардаги ҳамкорликка ижобий динамика қўшиб, кўп йиллар давомида очиқ қолаётган муаммоларни ҳал этишга туртки бўлди.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг МДҲдаги иштироки фаоллашди. Мамлакатимиз тармоқлар бўйича ҳамкорликнинг 24 органига қўшилди, 65 тузилмаси фаолиятида тўлиқ иштирок этмоқда. Ушбу даврда давлатимиз раҳбари томонидан кўплаб муҳим йўналишлар юзасидан қарийб 70 ташаббус илгари сурилди. Уларнинг аксарияти МДҲга аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг МДҲ Фахрий нишони билан тақдирланиши янги Ўзбекистоннинг "Хавфсиз ва тинчликсевар давлат" тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириб, бу борада очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат юритиш бўйича ислоҳотларни самарали амалга ошираётганидан далолат беради.

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари

Нишондорларимиз

Муқофот янада масъулият юклайди

Адолат Зиёевани Юқори чирчиқликлар яхши танишади. У туманнинг 3-сонли умумтаълим мактабида иш фаолиятини бошлаганига 27 йил бўлди. Тўққиз йилдан бери мазкур мактабда директор лавозимида ишлаб келмоқда. Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Президентимизнинг фармонига биноан Адолат Зиёева "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди.



– Тақдирнинг ўз синоатлари бор экан, – дейди Адолат опа. – Бундан 50 йил аввал шу мактабнинг биринчи синфига қабул қилинганман. 8-синфдан кейин пойтахтдаги 1-Тошкент педагогика билим юртига ўқишга кирдим. Тамомлагач туманимиздаги 31-сонли мактабга бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишга келдим. Кейинчалик Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг "Педагогика ва бошланғич таълим методикаси" факультетида сиртдан таҳсил олдим. Ўша йиллари шу мактабга ишга ўтдим. Ўзим ҳарф таниган даргоҳ мени яна қўллади, ўша йили "Шуҳрат" медали билан тақдирландим.

А. Зиёева раҳбарлик қилаётган мактабда ҳозирда 988 нафар ўқувчи таҳсил олади. Унинг ташаббуси билан мактабда чет тилларини ўрганиш тизимли йўлга қўйилган. 6 нафар инглиз тили фани ўқитувчиси малака ошириб, CEFR ва C1 халқаро сертификатини қўлга киритишган. Шунингдек, 1-, 4-синф ўқувчилари учун 2 та махсус хона 14 номдаги замонавий ахборот-коммуникация ва мультимедиа технологиялари билан жиҳозланган. Мазкур мактаб Президент ташаббуси билан ташкил этилган "Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб" танловида ғолиб бўлиб келмоқда.

Шунингдек, 2019 йилдан буён PISA халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўриш бўйича таянч мактаби этиб белгиланган. 2022-2023 ўқув йилида мактабда "Иқтидорлилар", "Вариатив", "Педагогик", "Молия ва иқтисод" йўналишида синфлар ташкил этилган.

– Мен мактабим, ўқувчиларимсиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман, – дея давом этди Адолат опа. – Иқтидорли ўқувчиларимиз кўп. Ўтган ўқув йилида 6-синф ўқувчиси Ахмат Акрамов юқори балл билан Президент мактабига, 10 нафар ўқувчимиз Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Паркент туман ихтисослаштирилган мактабига қабул қилинди. Бу, албатта, мактаб жамоасининг ютуғи. Касб байрамимиз арафасида тақдирланганимдан бошим кўкка етди. Бу мукофот менга ва мактабимиз жамоасига янада катта масъулият юклайди.

Н. ЭРКИНБОЕВА

УСТОЗ ИБРАТИ

Бекобод туманининг "Қўрғон" маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси, моҳир педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Саттор Жумабоев узоқ йиллар тумандаги 2-сонли ўрта таълим мактабида ўқувчиларга математика фанидан сабоқ берган. Мураббий айни кунларда ҳам тез-тез қадрдон мактабида бўлиб, ўқувчилар ҳамда шогирдларига маҳорат дарслари ўтади.



СУРАТДА: Саттор Жумабоев шогирдлари даврасида.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат

Обод манзиллар

Сувтида иш суръати қандай?

Айни пайтда ҳудудларда "Обод хонадон", "Обод кўча" ва "Обод маҳалла" мезонларини жорий этиш бўйича амалий ишлар давом этмоқда. Хусусан, Пискент тумани 1-сектор ҳудудида жойлашган "Сувти" маҳалласида илк босқичда жами 522 та хонадон тўлиқ хатловдан ўтказилди. Мавжуд муаммолар уйма-уй юриб ўрганилди. Бунда кам таъминланган, эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг хонадонлари аниқлаб олинди. Мутасадди ташкилотларни жалб қилган ҳолда 11 нафар кекса ва ёрдамга муҳтож фуқаронинг хонадони жорий ва капитал таъмирдан чиқарилмоқда.



Маҳаллада кенг кўламдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик доирасида инфратузилмани яхшилаш режалаштирилган. Бунинг учун лой-тупроқли ички кўчаларга шағал тўшалди. 3,3 километр масофада пиёдалар йўлаги қурилмоқда. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 360 та янги бетон таянч устунлари тикланиб, 1 та қўшимча трансформатор ўрнатилди. Шунингдек, 1 км. дан ортиқ масофада сув йўллари махсус техника билан тозаланмоқда.

– Маҳалламиз туман марказидан узоқда жойлашган, – дейди меҳнат фахрийси Абдунаби Эргашов. – Ҳудудимизда 2 минг 759 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар учун 3 та контейнер ўрнатилиб, янги тиббиёт пункти ташкил этилмоқда. Вилоят ва туман кўп тармоқли марказий поликлиникасининг мутахассислари жалб этилиб, тиббий кўриклар ташкил қилингани хўб иш бўлди.

Аҳолининг ички имкониятларидан самарали фойдаланишига ҳам алоҳида қаралаяпти. Шу мақсадда "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида 527 та аҳоли томорқалари ўрганилди. Бириктирилган масъуллар ёрдамида тартибга келтирилди. Уларга туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши масъуллигида 2 тонна пиёз ва 1,5 тонна саримсоқпиёз тарқатилди. Бундан ташқари, совуққа чидамли кўкатлар уруғлиги ҳам етказилиб, экиш ва парваришлаш усуллари ўргатилади.

Эслатиб ўтамиз, "Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла" доирасида яна вилоятдаги Бекобод туманидаги "Хонобод", Оққўрғон туманидаги "Бойўғли", Қуйи Чирчиқ туманидаги "Кўксарой" маҳаллаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Она тили – миллатнинг руҳи, ор-номусидир!

НАВОИЙ ТИЛИДА
Туркий сўзлар жилоси



Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари доктори,
Тошкент амалий фанлар университети профессори

Шоир туркий тилда илгари ҳеч қачон ишлатилмаган янги қофия силсилаларини яратди. Туркий шеъриятда илгари ҳеч қачон радиф бўлиб келмаган сўзларни радифга олиб, ғазаллар битди. Туркий тилда илгари ҳеч қачон ишлатилмаган кўп-кўп соф туркий сўзларни миллий адабиёт майдонига олиб кирди. Туркий тилда илгари ҳеч қачон ишлатилмаган кўп-кўп форсий сўзларни миллий адабиёт мулкига айлантирди. Туркий тилда илгари ҳеч ишлатилмаган кўп-кўп арабий сўзларни адабиёт оламига киритди. Туркий тилда қофияда илгари ҳеч ишлатилмаган тарзда кўплаб туркий сўзларни маҳорат билан форсий ва арабий калималарга оҳангдош қилиб қўллади (масалан, “Ғаройиб ус-сиғар”нинг 370-ғазали қофияларида шу ҳодисани сезамиз: *жонимдин, қонимдин, ёнимдин, афғонимдин, вайронимдин, пинҳонимдин, борғонимдин, девонимдин*)...

Бундай ўзига хосликларни санайверсак, гап яна ҳам чўзилади.

Шу тариқа Навоий ўз асарларида, бир мартадан ҳисобланганда, жами 26 мингтадан зиёд сўз қўллади.

Навоийга қадар қофия “юзини кўрмаган” кўп-кўп соф ўзбекона сўзлар ўзаро оҳангдош ўлароқ сафлашди.

Биргина “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг ўзини варақлаганда ҳам, буларга амин бўласиз.

264-ғазал туркий қофияларини ўзаро қиёслайлик: *ағнамиш, судрамиш, чуркамиш, чирмамиш, бутрамиш, ўртамиш, тергамиш, ёйқамиш, боғламиш, солмамиш, ястамиш*.

343-ғазал қофиялари: *яхшилиғинг, қилиғинг, ачиғинг, илиғинг, осиғинг, йиғинг, ариғинг, девоналиғинг*.

344-ғазал қофиялари: *тенг, кенг, тенг, менг, енг, энг, енг, денг.*

360-ғазал қофиялари: *олдинг, (ўт) солдинг, қолдинг, қўзғолдинг, тавшолдинг, чолдинг, қийнолдинг, толдинг.*

362-ғазал қофиялари: *тутунг, овутунг, тутунг, унутунг, ёрутунг, ютунг, ёвутунг, чучутунг.*

363-ғазал қофиялари: *ўнг, сўнг, ўнг, қўнг, чўнг, тўнг, қўлунг, ўнг.*

365-ғазал қофиялари: *бил, қизил, тил, енгил, қил, йил, тирил, йиқил.*

368-ғазал қофиялари: *ёқилмағайсен, айрилмағайсен, топилмағайсен, қотилмағайсен, ёнғилмағайсен, ойилмағайсен, очилмағайсен, қилмағайсен.*

399-ғазал қофиялари: *қилмади, очилмади, қилмади, топилмади, илмади, ойилмади, қотилмади, ёнғилмади.*

Қофияга олинган калима шеърнинг асосини ташкил этади. Туркий сўзларни қофияга олиш билан шоир бу тилда ҳам шундай кенг имкониятлар борлигини намойиш этди. Бу маҳоратни кўрсатиш учун шу мисолларнинг ўзи етарли бўлса керак.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Тилнинг кучи-қуввати, салоҳияти нима билан ўлчанади?

Жаҳон тилшунослигида: *“Феъл билан”*, – деб жавоб берувчилар – бошқача фикр тарафдорларидан кўпроқ. Навоий айнан шундайлар сирасига киради. Чунки у: *“Сўзлагувчи такаллум чоғида баъзи нозик ҳаракатларни муайян-муайян тарзда номлашга, уларни аниқ-тиниқ маъно нозикликлари билан ифодалашга муҳтож бўлади, унинг бу эҳтиёжини қондириши учун эса тилнинг ўзида шундай сўзлар бўлиши керак, шунда у кучли тиллар қаторига киради”*, – деб ҳисоблайди. Туркий тилни: *“Худди шу жиҳатдан у – форсийдан кўра бойроқ”*, – деб билади.

Чунки ҳар қандай тил учун феъллар, яъни иш-ҳаракатни билдирувчи сўзлар энг асосий бойлик ҳисобланади. Туркий тил худди шу феълларнинг кўплиги, ранг-баранглиги, нозик ҳаракатларни ифодалай олиш қудрати жиҳатидан форсий тилдан жуда устун эканини буюк мутафаккир талай мисоллар билан исботлаган. Айтайлик, у шундай феъллардан юзтасини санаб, буларнинг форсий тилда мавжуд эмаслигини айтади. Мана, ўша сўзлар силсиласи: “*Қувормоқ, қуруқшамоқ, ушармак, жийжаймоқ, ўнгдаймоқ, чекримак, дўмсаймоқ, умонмоқ, ўсанмоқ, игирмак, эгармак, ўхранмак,ториқмоқ, алдамоқ, арғадамоқ, ишанмак, игланмак, айланмоқ, эрикмак, игранмак, овунмоқ, қистамоқ, қийнамоқ, қўзғалмоқ, соврулмоқ, чайқалмоқ, девдашимоқ, қийманмоқ, қизғанмоқ, никамак, сийланмоқ, танламоқ, қимирдамоқ, серпмак, сирмамак, ганоргамак, сиғриқмоқ, сиғинмоқ, қилимоқ, ёлинмоқ, мунғланмоқ, индамак, тергамак, теврамак, қинғаймоқ, шиғалдамоқ, синграмоқ, яшқамоқ, исқармоқ, кўнгранмак, сухранмоқ, сийпамоқ, қоралямоқ, сурканмоқ, куйманмак, ингранмоқ, тушалмак, мунғаймоқ, танчиқамоқ, танчиқолмоқ, кўруксамак, бушурғанмоқ, бўхсамоқ, киркинмак, сукадамак, бўсмоқ, бурмак, турмак, томшимоқ, қаҳамоқ, сипқормоқ, чичаркамак, журканмак, ўртанмак, сизғурмоқ, гурпаклашмак, чупрутмоқ, жирғамоқ, бичимоқ, қикзанмоқ, сингурмак, кундалатмак, кумурмак, йигирмак, кўнгурдамак, кинаркамак, кезармак, дўптулмоқ, чидамоқ, тузмак, қазғанмоқ, қичиғламоқ, чимдиламоқ, гангирамоқ, ядамоқ, қадамоқ, чиқанмоқ, кўндурмак, сўндурмак, суқлатмоқ”.*

Кўриниб турганидек, бу феълларнинг аксарияти ҳозир ҳам адабий тилимизда мавжуд, айримлари эса шеваларимизда сақланиб қолган.

Навоий буюк тилшунос-туркшунос сифатида тилимизнинг маънодошлик (синонимик) имкониятларини ҳам гўзал қилиб очиб беради. Биргина *йиғламоқ* феълининг маънодошлари қаторида шоир *йиғламсинмоқ, инграмак, синграмак, сиқтамоқ, ўкурмак, инчкирмак, ҳой-ҳой йиғламоқ* каби намуналарни келтиради.

Бобокалонимиз бу сўзларга тилда эҳтиёж катта эканини, аммо форсий-забонлар айни маъноларни ифодалаш учун бир неча сўз қўллашлари, кўпинча, ҳатто, арабчадан калима олиб ишлатишларини айтган: “Бу юз лафздурки, ғариб мақосид адосида таъйин қилибдурларки, ҳеч қойси учун сорт (яъни форсийлар – ***С. О.***) тилида лафз ясамайдурларки, борчаси муҳтожун илайҳдур, такаллум чоғида киши анга муҳтож бўлур. Кўпи андоқдурки, асло анинг мазмунин тафҳим қилмоқ бўлмас ва баъзиники, англатса бўлғай, ҳар лафз тафҳими учун неча лафзни таркиб қилмағунча бўлмас, ул дағи арабий алфоз мадади била ва турк алфозида бу навъ лафз кўп топилур”

Энг муҳими, бу феълларнинг кўпи ҳозирги ўзбек тилида ҳам фаол ишлатилади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилмаётган айримлари, ишонамизки, шеваларимизда бор ёки бошқа туркий тилларда ҳозир ҳам мавжуд. Шунинг учун бобомизнинг бу сўзларни кўз-кўз қилишларига фақат ўзбек тилини улуғлаш деб эмас, умумтуркий тилимизни кўкларга кўтариш, деб қаралиши керак.

Навоий туркий маданият тарихида илк бор ана шу соф туркий сўзларнинг шеърият учун нақадар катта аҳамияти борлигини мисоллар билан тушунтиради. “Муҳокамат ул-луғатайн”да туркий феъллар ишлатилган байтлардан айримларини диққатингизга ҳавола этайлик.

Шоир *ичмоқ* феълининг янада нозикроқ ички маъноларини ифодалайдиган *сипқармоқ* ва *томшимоқ* каби маънодош (синоним) шакллари борлигини айтиб, уларга ўз ижодидан мана бундай намуналарни мисол қилиб келтиради:

Соқиё, тут бодаким, бир лаҳза ўзум
Соқиё, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай,
Шарт буким, ҳар неча тутсанг лабо-лаб ***сипқорай****.*
...Соқий чу ичиб, манга тутар қўш,
Томший-томший *ани қилай нўш.*

“Йиғламоқ” феълининг маънодоши эса ниҳоятда кўп – *йиғламсинмоқ, инграмак, синграмак, сиқтамоқ, ўкурмак, инчкирмак, ҳой-ҳой йиғламоқ*. Уларнинг барига мисол келтиради:

Зоҳид ишин десаки, қилғай фош,
Йиғламсинур-у*, кўзига келмас ёш.*
Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,
Кечалар гаҳ ***инграмакдур*** *одатим, гаҳ* ***синграмак****.*
Ул Ойки, кула-кула қироғлатти мени,
Йиғлатти *мени, демайки,* ***сиқтатти*** *мени.*
Ишим тоғ узра ҳар ён ашк селобини сурмакдур,
Фироқ ошубидин ҳар дам булут янглиғ ***ўкурмакдур****.*
Чарх зулмидаки, бўғзумни қириб ***йиғлармен****,*
Игирур чарх (киби) ***инчкириб йиғлармен****.*
Навоий, ул гул учун ***ҳой-ҳой йиғлама*** *кўп, –*
Ки ҳа дегунча не гулбун, не ғунча, не гул бор.

Кўрдингизми, Навоий биргина *йиғламоқ* сўзининг нақд етти маънодошини келтирадики, булар шунчаки тенг маънодошлар эмас, балки ҳар бирининг ўзига хос нозик маъно жилоси (оттенкаси) бор. Яъни бу сўзларнинг ҳар бири йиғининг муайян турини, даражасини, сифатини билдиради.

Булар-ку тилимизнинг сўз бойлиги, яъни лексик имкониятлари билан боғлиқ фазилатлари экан. Навоий туркийнинг яна кўпдан-кўп лисоний фазилату имкониятларини ҳам илман кўрсатиб беради.

Буюк мутафаккир тилимизнинг сўз ясаш имкониятлари ҳам форсий тилдагига нисбатан устун эканини ҳам ҳеч ким инкор этолмайдиган даражада илмий далиллар билан асослайди. Масалан, икки киши биргаликда амалга ошрадиган бир ҳаракатни бир сўз билан билдирувчи *чопишмоқ, топишмоқ, қучушмоқ, ўпушмак* каби феълий шаклни, яъни феълнинг биргалик майлини, шунингдек, от ясовчи *–чи* қўшимчасини (*сувчи, хизначи, найзачи* каби), *боргудек, келгудек* сўзларидаги ўзига хос шаклни, *-гач* (*-кач, -ғоч*) қўшимчаси билан сўз ясаш имкониятларини (*келгач, борғоч* каби), сифатни кучайтирувчи *оп-оқ, қоп-қора, қип-қизил, сап-сариқ* каби орттирма сифатларни ясаш қулайликлари ва шу каби яна қанча туркий тил бойликларини кўрсатиб берган.

Туркий тил оламини XV асргача ҳам, ундан кейин ҳам, эҳтимол, бошқа ҳеч ким Навоийнинг ўзичалик кифтини келтириб таърифламагандир: “*...Турк алфозиға (тилига) дағи (тағин) мулоҳазани лозим кўрулди – оламе назарға келди, ўн секкиз минг оламдин ортуқ (!) анда зебу зийнат; ва сипеҳре (бир фалак) табъға маълум бўлди тўққуз фалакдин ортуқ анда фазлу рифъат; махзане (бир хазина) учради, дурлари кавокиб (юлдузлар) гавҳарларидин рахшандароқ (порлоқроқ); ва гулшане йўлуқти, гуллари сипеҳр ахтаридин (юлдузидан) дурахшандароқ; ҳарими атрофи эл аёғи етмакдин масун (асралган) ва ажноси (бадани) ғаройиби ғайр (бегона) илги (қўли) тегмакдин маъмун (қўриқланган; тоза)*”.

Аммо бу хазинадан баҳра олиш осон эмас. Чунки унинг илонлари – қонхўр ва гулларининг тиканлари – кўп: “*Аммо махзанининг йилони хунхор ва гулшанининг тикани беҳаду шумор*”.

Бунда туркий тил Навоий давригача ҳам тарашланмаган бир ғўла ҳолатида бўлганини айтяпти.

Уста шу ғўлани тарашлаб, кўринг, қандай чиройли бир рубоб ясайди.

Шунга қарамай, Навоий шу гулзордан гул терди. Гул терганда ҳам, бу гулдастасини на форсий, на туркий шеърият етган баланд чўққиларга олиб чиқди: *“...Доно ҳакам адолат юзидин кўз солса ва бурунғи форсий ва сўнғи туркий латойифу дақойиқидин баҳра олса, ҳукм сўрар замонида ва ҳар қайсининг мартабасини таъйин қилур авонида (пайтида) умидим улдур ва хаёлимға андоқ келурким, сўзум мартабаси авждин қуйи инмагай ва бу тартибим кавкабаси (юлдузлари) аъло даражадин ўзга ерни беганмагай (эгалламагай)*”.

Чиндан, Алишер Навоий туркий тилда яратиб қолдирган сўзлар хазинаси то ҳануз шеърият осмонининг энг баланд чўққиларида порлаб турибди.

Дунё тарихида ҳали ҳеч ким Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратларичалик кўп ва хўб шеър битган эмас. Улуғ ўзбек шоири нафақат эски ўзбек тилида, умуман, туркий тилда жаҳонга машҳур бадиий асарлар битиш мумкинлигини амалда исботлаб берган даҳо қалам соҳиби ҳисобланади. Бу билан туркий эллар ҳар қанча фахрланса ҳам – оз.

Навоий туркий тилда шеър битишни амалда кўрсатиб бердигина эмас. У жаҳон тилшунослиги тарихида илк бор туркий тилнинг чинакам шеърият тили эканини илман исботлаб, махсус “Муҳокамат ул-луғатайн” деган рисола ҳам ёзди. Бу рисола шоир умрининг сўнггида – ўлимидан бир йил илгари, яъни 1499 йилнинг декабрида яратилди Асарнинг мақсади ва моҳиятида туркий тилда ҳам гўзал шеърият яратиш мумкинлигини исботлашаётгани учун ҳам Навоий она тилимиз табиати ва устунликларини бошдан-охир шеърият билан вобасталикда таҳлил этади, билъакс, тилнинг шеър учун устуворлигини кўрсатишни бош мақсадга айлантиради.

Бугунги туркий шоиру адиблар ана шу улуғ бобокалонимиз жон куйдириб тарғиб этган тилимиз бойликларини ўз асарларида қўллашга ҳаракат қилиши шарт. Зеро адабиётнинг бош ашёси – тил. Сўз санъатида ҳамма нарса келиб-келиб қалам соҳибининг сўз маҳоратига бориб тақалади. Хусусан, шеър миллий бўлиши, туркий шеърият айнан шу тил бойликларига таяниши шарт. Акс ҳолда, у жаҳон сўз санъати майдонида, бу кенг, улуғ, сарбаланд саҳнада ўз бўй-бастини тўла намоён этиши – амри маҳол.

Аччиқ, аммо очиқ гап

САВОДИНГИЗ “ХИЗМАТ ДОИРАСИ”ДАН ТАШҚАРИДАМИ?

Кўчада кетаётганингизда атрофга разм соласизми? Бир-бирини босиб кетаман, деганча ҳамма ёққа илиб ташланган айрим панноларнинг хорижий тилларда битилгани кўп. Худди шу тилда ёзилса савдоси юришиб кетадигандек. Ўзбек тилида ёзилган реклама баннерлари ҳам кўп. Лекин уларнинг аксариятидаги хатолар саводсизлик намойишига айланмоқда.

Иш юзасидан вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида кўп бўламиз. Йўл-йўлакай турли рекламалар, жой номлари, шиорларда имловий хатолар билан ёзилган сўзларни учратиб, кайфиятимиз бузилади. Масалан: “новвойхона” эмас “нонвойхона”, “мазали” ўрнига “маззали”, “ман этилади” сўзи “маън этилади”, аъло там” эса “ало таъм”, деб битилган.

Рус тилидаги сўзларни лотин алифбосида ёзилганини айтмайсизми?

Тошкент тумани Кўктерак ҳудудидаги эълон ёзувларига эътибор қаратамиз: “Ер сотилади. 17 соток” ёки “Uchastka sotiladi. 8 sotix 6 xona”. Эълонлар рус ва ўзбек тилида қориштириб ёзилгани етмагандек, ёғоч устунларга дидсизларча қоқиб ташланган. Бу тил ва реклама тўғрисидаги қонун талабларига мутлақо зид эканлигини наҳотки англашмаса?!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Яна бир мисол. Айнан шу Кўктерак ҳудудидан ўтаётганимизда бир ресторан рекламаси баннерини учратдик. Унда “Osiyo Restauranti. Biz ochildik” деб ёзиб қўйилган. Бу ерда ресторан сўзининг инглиз тилида ёзилгани одамга эриш туюлади. Тўғри, бу сўз оммабоп терминга катта баннер ўрнатилган. “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!”. Шиоридаги ҳаёт сўзи қаттиқ “х” билан ёзилган. Куну-тун такрорланган, босма нашрларда босилган, телеэкран орқали кўрсатилган шиорни наҳотки хато ёзиш мумкин бўлса?! Майли баннерни тайёрлаган дизайнернинг саводи ҳаминқадардир, лекин унга буюртма берган “Тошкент электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти наҳот шуни кўрмаган бўлса?



Шаҳардаги “Online davlat xizmatlari” деб номланган реклама стенди ҳам белгиланмаган жойга жойлаштирилиши етмагандек, келтирилган хизматларни ёзишда ҳам “х” ва “ҳ” ҳарфлари ва сўз бирикмаси тузишда хатоликлар мавжуд.

Кейинги манзилимиз Ўрта Чирчиқ тумани. “Лавашга ишга оламиз” деб ёзилган эълонни кўриб кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмайди, киши. Лавашга қандай қилиб ишга олиш мумкин? “Лаваш тайёрлаш учун ишга оламиз” деса бошқа гап эди. Шу эълоннинг тагига жойлаштирилган “Маҳаллага даставка” эълони эса аввалгисидан ҳам ўтиб тушди. “Доставка” тилимизда “етказиб бериш” маъносини англатади. Кўрсатиладиган хизмат рус тилида ёзилгани етмагандай, имло хатоси ҳам бор.

Яна бир гап. Эсингизда бўлса ўтган йилнинг сентябрь ойида “Реклама тўғрисида”ги янги қонун кучга кирганди. Унга кўра, ташқи реклама ва ахборотни жойлаштириш тартиблари келтириб ўтилган. Вилоят бўйлаб ижодий сафарларимизда ноқонуний жойлаштирилган рекламаларга кўп гувоҳ бўламиз. Афсуски, уларнинг барини камера объективларига муҳрлай олмаймиз. Шунга қарамасдан, масъулларга яна бир бор юзланиб, камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришларини сўраб қолардик. Зеро, қонунлар ҳаётга татбиқ этиш учун чиқарилади, раҳбар столида туриши учун эмас.

Шуни унутмаслигимиз керакки, кўчадаги ёзувлар шунчаки реклама ёки эълонлар эмас, у фарзандларимизнинг саводига таъсир кўрсатадиган манба ҳамдир. Ўша ёзувлар истаймизми-йўқми, хотирамизда қолади. Шундай экан, рекламадаги ҳар бир сўзни ёзишга масъул бўлган шахс, аввало, имло луғатини варақласин ёки саводли одамга кўрсатиб олсин. Токи реклама ва баннерлар саводсизлигимизнинг намойишига айланмасин.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

Тил бор экан, миллат барҳаёт

Юқори Чирчиқ тумани марказидаги Алишер Навоий хиёбонида 21 октябрь – Ўзбек тили байрами муносабати билан “Тил бор экан, миллат барҳаёт” деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирни Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Отабек Султонбеков ва вилоят Ёзувчилар уюшмаси раиси, сенатор Маҳмуд Тоир кириш сўзи билан очиб берди.

Маънавий-маърифий тадбирда Ватан мадҳи, она тилига бўлган эътиборни ифода этувчи шеър ва монологлар, вилоят Филармонияси санъаткорлари томонидан мақом ва эстрада йўналишларидаги куй-қўшиқлар, миллий рақслар ижро этилди. Шундан сўнг, тадбир қатнашчилари ҳамроҳлигида ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида байрам ташкил этилган майдон атрофига 100 дан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Байрам тадбири Паркент туманидаги “Чотқол” маданият саройида давом этди.

Шукуҳ








СПОРТ янгиликлари

ОКМК финалда!

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Мазкур босқичда Олмалиқнинг ОКМК жамоаси ўз майдонида Наманганнинг “Навбаҳор” клубини қабул қилди.



Қизиқарли ва голларга бой ўтган баҳснинг асосий вақтида ғолиб номи аниқланмади – 2:2. Пенальтилар сериясида эса олмалиқликлар рақибини 4:3 ҳисобида мағлуб этиб, финалга йўл олди.

“Кончилар” ҳал қилувчи баҳсда Қаршининг “Насаф” жамоасига қарши майдонга чиқади. Мазкур учрашув 12 ноябрь куни Қарши шаҳридаги “Марказий” ўйингоҳда бўлиб ўтади.

ТАРИХИЙ НАТИЖА

Велоспортнинг шоссе йўналиши бўйича Париж–2024 Олимпиадасига рейтинг очколарини жамғариш даври якунига етди.



Қувонарлиси, Халқаро велосипедчилар иттифоқи (UCI) томонидан эълон қилинган рейтинг якунига кўра, бўлажак Олимпиадага Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 3 та, эркаклар термаси эса 1 та йўлланмага сазовор бўлди. Бу ҳақда МОҚ матбуот хизмати хабар бермоқда.

Аёллар тоифасидаги лицензияларнинг 2 таси гуруҳ пойгаси, 1 таси эса шахсий пойга дастурига тўғри келади.

Йигитларимиз эса 1228 очко билан 105 жамоа орасида 32-натижани кўрсатишди. Бу уларга гуруҳ пойгаси йўналишида 1 та йўлланмани тақдим қилди.

Велоспортчиларимиз Олимпия ўйинларига биринчи бор 4 та йўлланма қўлга киритишмоқда.

“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Суҳробжон САДИРОВ
тайёрлади

Мушоҳада

Дунёда миллатнинг ёмони бўлмайди. Лекин ёмонлар ҳар бир миллатда бор. Шуни шукроналик билан айтиш керакки, миллатни оламга танитган ёмонлар эмас, унинг буюклари, олим-у фозиллари, гўзал ўтмиши ва маданиятидир. Кенг маънодаги маданият кўп ҳолларда инсон ички дунёсининг ифодаси бўлмиш тилига боғлиқ. Чунки инсоннинг илми, ақл-фаросати ва маданиятини унинг суҳбатидан билиш мумкин. Тил билиш ҳам ана шу маданиятнинг, инсон маънавиятининг бир бўлагидир.

Саломга яраша алик

Ўзга миллатнинг тилини билиш инсоннинг шу миллатга бўлган ҳурматини, меҳру мурувватини билдиради. Миллатни менсимаган одам унинг тилига ҳам бефарқ бўлади. Инсон қанча кўп тил билса, шунча маданиятли, умри боқий киши бўлиб етишади. Зеро бир тилни билган бир умр, уч тилни билган уч умр яшайди, деб бежиз айтилмаган. Шу маънода, биз ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки биз бу масалада ҳамиша бағрикенг бўлганмиз – ҳеч қачон нонкўрлик ҳам, тузтепкилик ҳам қилмаганмиз. Бироқ бу очиққўнгиллик бизга жуда қимматга тушган. Оқибат ўз она тилимиздан жудо бўлишимизга бир баҳя қолди.

Очиқ кўнгил бўлишнинг нимаси ёмон, шунга ҳам шунча ваҳимами, дейишингиз табиий. Мана, сизга битта исбот. Сиз ҳеч ўз юртингизда бирор бир европаликни кўрганингизда (хорижда бўлса майли энди) “Ассалому алейкум, соғ-саломат юрибсанми? Уйдагилар яхшими?” деб сўрашганмисиз?

Ишончим комилки, йўқ. Агар биз кунимизни энг аввало ўзбекча салом-алик қилишдан бошлаганимизда эди, шунча йиллар давомида ҳар қандай одамни давлат тилида мулоқот қилишга ўргатиб юборган бўлар эдик. Энди ўзингиз холисанилло айтинг-чи, агар биз ўз қадримизга ўзимиз етмай бошқа миллат вакилларига рус тилида мурожаат қилганимиздан кейин улар жон куйдириб ўзбекча гапиришга ҳаракат қилармиди? Салом қайси тилда бўлса, алик ҳам шунга яраша бўлади-да!

Фикримча, тил ўрганиш ва ўргатиш борасида хориждаги ватандошларимизга ҳавас қилса бўлади. Чунки улар ўзлари яшаган мамлакат тилида, қолаверса, инглиз, немис, француз ва бошқа тилларда бемалол сўзлаша олсалар ҳам оилада ҳеч қачон ўзбек тилидан воз кечмаганлар. Фарзандларига ҳам она тилларида тарбия бериб, улар қалбига миллий урф-одатларимизни сингдира олганлар.

Тил ўрганмоқчи ёки ўргатмоқчи бўлсак, ҳам ишни салом-аликдан бошлайлик. Чунки қайси тилда салом берсак, жавобини ҳам ўша тилда оламиз. Ҳар бир ишнинг натижаси ўша масалага қандай ёндашишга боғлиқ. Шундай экан, ўзимиз қилмаган ишни бошқалардан талаб қилолмаймиз.

Муқаддасхон ХЎЖАЕВА,
Тошкент Молия институти талабаси

Муштарий илҳоми



Умр мазмуни

Саррин сабо сийпаб кўҳна очунни,
Оҳиста турмаклаб майса сочини,
Баҳорлари йўқлаб қалдирғочини,
Улғайиб боради умр мазмуни.

Само юзларининг ғуборин артиб,
Мовий кенгликларга упалар сепиб,
Оппоқ орзулардан ҳикматлар топиб,
Улғайиб боради умр мазмуни.

Тиллоранг юзини кўз-кўзлаб қуёш,
Заррин зарлар ила кўтарганча бош,
Томоша саҳнида қорайгунча қош,
Улғайиб боради умр мазмуни.

Нур тўкиб беадад тароватидан,
Япроқлар шимсалар саховатидан,
Лол бўлиб оламнинг малоҳатидан,
Улғайиб боради умр мазмуни.

Сарбаланд тоғларнинг рўмолин силаб,
Булутлар тўшини тутса эркалаб,
Ястаниб ётурлар тоғни кўрпалаб,
Улғайиб боради умр мазмуни.

Ҳар тонгим асли бир кунга сарлавҳа,
Кузак ифоридан олтин бир лавҳа.
Меҳрлар тутмоққа топайлик лаҳза,
Улғайиб бормоқда умр мазмуни.

Она тилим

Дур десам, сен қаҳрободек азизсан,
Гул десам, сен дилрободек азизсан.
Кўзимга нур, қалбимга шуур, офтобим,
Тунчироғим, ёруғлигим, моҳтобим.

Дил гавҳарим, гулхандай ўтлиғ сўзим,
Кўк тоқида энг чароғон юлдузим!
Қадимликда бамисли Турон тилим,
Сенла яйраб, тилларим бийрон тилим.

Эй тилим, ҳоқон тилим, осмон тилим,
Навоийнинг назмида достон тилим.
Сув ичгансан Энасойлар дарёсидан,
Ўз элингда бўлдинг ҳукмрон тилим!


Ягонамсан, жон тилим, она тилим,
Тиллар кўпу ўзинг дурдона тилим.
Қадринг баланд бўлсин дунё тургунча,
Ўз элингда бўлма бегона, тилим!

Муҳаббат АХАТОВА

Шанба сабоқлари

Меҳр-муҳаббат – инсон қалбига мангу ҳамроҳ туйғулар. Эътиборсиз қолдирилган дил тошдек қотади. Инсоний муносабатлар орасида одамзот учун ота-она муҳаббатидан ҳам азизроғи борми? Фарзанд ота-онаси муҳаббати билан ҳаётда керакли эканлигини ҳис қилиб, ўзини кимдир дея айта олади. Беқарор дунёни меҳр-муҳаббат мувозанатда ушлаб туради.

“Сизни кўргим келаверади...”



Академиямиз раҳбарияти ташаббуси билан Қурбон ҳайити арафасида Чилонзор туманидаги йигирма иккинчи сонли меҳрибонлик уйида бўлдим.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ўзимни таништирганимдан сўнг улар билан самимий суҳбат, савол-жавоблар бошланиб кетди. Уларнинг қай тариқа армия ҳаётига кириб келганим, академиямиз ҳақида, эришган ютуқларим ва бу йўлда учраган қийинчиликлар ҳақидаги саволларига жавоб берганимдан сўнг, "Келажакда қайси касб эгаси бўлмоқчисиз?" деб савол бердим. Шифокор, тадбиркор, қурувчи, архитектор, дея болалар фаол жавоб беришга ошиқишди. Шунда ўн-ўн бир ёш чамаси бир болакай шундай жавоб бердики, орадан қанча вақт ўтишига қарамай унинг сўзлари ҳеч ёдимдан чиқмайди.

– Мен келажакда қайси касбни танлашимдан қатъи назар, бу ҳаётда яхши ота бўлмоқчиман, – деди у. – Келажакдаги касбимга келадиган бўлсак ҳарбийликка қизиқаман. Мени бу меҳрибонлик уйига бир ёшимда ташлаб кетишган, ҳозир ёшим ўн бирда. Ўн йилдан буён давлатимиз ҳимоясида униб-ўсмоқдаман. Келажакда юртимиз тинчлиги, осойишталиги, хавфсизлигини сақлаш йўлида хизмат қилмоқчиман.

Самимий суҳбатдан сўнг меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларга яратилган шароитлар билан танишдим. Ҳақиқатан ҳам болалар турли жойдан, турли сабаблар билан бу ерга келиб қолган бўлсада, ҳозирда бир аҳил оила бўлиб яшаб келмоқдалар. Эътиборимни яна бир нарса ўзига тортди: улар ичида истеъдодли, қобилиятли ёшлар ҳам талайгина экан.

Академиямиз номидан олиб борилган совғаларни болажонларга топширганимдан сўнг улар билан хайрлашиб кетаётган вақтимда қора қош-кўзли, оқ юзли, ўн ёш чамасидаги қизалоқ ёнимга келиб қўлидаги мактубни онасига бериб қўйишимни илтимос қилди. Қизчани илтимосини рад этолмай хўп дедиму мактубнинг устки қисмига кўз ташладим. Мактубда на манзил, на онасининг исми ёзилганди. Мактубни қизалоқнинг рухсати билан ўқиб кўрдимда, бир неча дақиқа жим қотдим. Унда шундай сўзлар ёзилган эди:

“Ассалому алейкум, онажон. Соғ-омонмисиз? Сизни кўрмаганимга ҳам анча бўлибди. Мана шу ерда туриб тургин, деб ташлаб кетганингизга ҳам роппа-роса беш йил бўлди. Мактабда 3-синфда ўқияпман. Сизга ўз қўлим билан ёзаётган илк мактубим бу, онажон. Мени бу ердан олиб кетинг, ҳамма айтганларингизни қиламан, сизни хафа қилмайман. Ҳозир сизнинг меҳрингизга жуда ҳам муҳтожман. Бағрингизга бош қўйиб сизнинг оналик меҳрингизни ҳис қилгим келяпти. Сизни кўргим келаверади...”

Ўзимни қўлга олиб, қизалоқнинг мактубини албатта етказишимни айтдим ва болажонлар билан хайрлашдим.

Мени меҳрибонлик уйи тарбиячиси Нигора опа эшик томон кузатиб бораркан, бу қизалоқнинг онаси вафот этганига етти ой бўлганини айтиб қолди. Шу ондаги қалбимда пайдо бўлган кечинмаларни қанча ҳаракат қилдим, қоғозга тушира олмадим. Мактубни ҳамон ёнимда сақлаб келмоқдаман.

Ишларим, режаларим ўхшамай, ҳаётнинг турфа синовлари билан рўбарў келган вақтимда мана шу қизалоқнинг мактубини қайта-қайта ўқийман...

Ота-оналар фарзандларига ҳар доим керак. Улардан фарзандларини тирик етим қилмасликларини сўрардим.

Нодиржон ОРТИҚОВ,
Қуролли Кучлари академияси 3-босқич курсанти

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Sirojiddin ESHQUVVATOV
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10
Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10
Bo‘lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Suhrobjon SADIROV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Bosishga topshirildi - 21.20
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1031.
4 906 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6